

# 2013 йил – Обод турмуш йили

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# Зиё чашмаси



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 1 (208)

2013 YIL, YANVAR

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



Биз кириб келаятган янги 2013 йилга мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истикболини, шу муқаддас заминда яшайтган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, уйлайманки, барчамизга яхши аён.

Ислом КАРИМОВ

## ЙИЛЛАР MAЗМУНИ



1996 йил – Амир Темур йили



2001 йил – Соғлом авлод йили



2002 йил – Қарияларни кадрлаш йили



1997 йил – Инсон манфаатлари йили



2003 йил – Обод маҳалла йили



1998 йил – Оила йили



2004 йил – Меҳр ва мурувват йили



1999 йил – Аёллар йили



2005 йил – Сихат-саломатлик йили



2000 йил – Оналар ва болалар йили



2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили



2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили



2008 йил – Ёшлар йили



2009 йил – Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили



2010 йил – Баркамол авлод йили



2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



2012 йил – Мустақам оила йили



2013 йил – Обод турмуш йили

14-январ – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб институтида тадбир ўтказилди. Тадбирни институт маънавий-маърифий ишлар проректори доцент А.Тангиров очиб берди ва йиғилганларни байрам билан қутлади. Умумий тарих кафедраси профессори Фаиня Аҳмедшина маъруза қилди. Педагогика-психология йўналиши 4-босқич талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби Шохиста Соатов ва ҳам йиғилганларни Ватан ҳимоячилари куну билан табриклади.

## Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб



Институтида фаолият юритиб келаятган афғон урушида қатнашган 6 нафар профессор-ўқитувчиларга байрам совғаси тақдим этилди. Шунингдек, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган факультетлараро спорт мусобақаларида энг яхши натижаларга эришган талабаларга фахрий ёрликлар топширилди.

Муסיқий таълим йўналиши талабалари бадий чикиш билан тадбирни яқунладилар.

**Камола НУМОНОВА**  
“Зиё чашмаси” муҳбири

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 90 миллион кишига кўгайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи тасдиқлайди.

## Инсон манфаатлари – бош мезон

Истиклол учун биз қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 90 миллион кишига кўгайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи тасдиқлайди.

2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий – иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008 – 2012 йилларда, яъни охири беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар

қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

## Инсон манфаатлари - бош мезон

(Бошланғич 1-сакрафада)

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги 3 йилда 3 баробар кўпайган.

Бу айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф - яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижасидир.

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва сўянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиз эканлиги президентимиз И. А. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтилди.

Бу авлод - Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Янги 2013 йилга Обод турмуш йили деб ном берар эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб белгиланди.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги **устувор йўналишларга** алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлиги уқтириб ўтилди:

**Биринчидан**, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолади;

**Иккинчидан**, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида, авваломбор, фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барақа, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келган;

**Учинчидан**, обод турмушнинг яна муҳим шarti - бу инсон саломатлигини мустаҳкамлашдир;

**Тўртинчидан**, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечишнинг долзарб аниқ чора-тадбирларини белгилаб олиш;

**Бешинчидан**, биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга кўяр эканмиз, яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шarti - бу аввало, маҳаллани обод қилишдир.

**Олтинчидан**, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиши опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

2013 йилда ўз олдимизга қўйилган мана шундай катта вазифаларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этиши зарур. Бунга Президентимиз И. А. Каримов томонидан юксак ишонч билдирилди.

**Шамсиддин ХИДИРОВ,**  
Иқтисодий билим асослари  
кафедраси мудири, доцент  
**Азамат УСМОНОВ,**  
кафедра ўқитувчиси

## РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Институтимиз олимлари - техника фанлари доктори, профессор Х. Тўрақулов, педагогика фанлари номзоди, доцент Н. Усмоновларнинг Ж. Ҳасанбоев, И. Алқаров билан ҳаммуаллифликда яратган "Педагогика" дарслиги 2012 йилда республикамизда чоп этилган энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти сифатида баҳоланди ва республика танлови голиби бўлди.

## Янги йўналишда Янги дарслик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофазат, ахборотлар тизими ва телекоммуникациялар тизимининг 2010 йил 17-мартдаги қўшма йўналиши баёнида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлари узвийлиги ва узлуксизлигини таҳлил қилиш натижасида янги дарсликлар авлодини яратиш вазифаси белгилаб берилган эди. Мазкур жараёнда мамлакатимиз тараққиёти ва келажак таълим-тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлар орқали юқори самардорликка эришишга, унинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ва амалий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига боғлиқ. Шу маънода олимларимиз Ж. Ҳасанбоев, Х. Тўрақулов, И. Алқаров, Н. Усмоновлар томонидан нашрга тайёрланган ва чоп этилган "Педагогика" дарслиги олий педагогика таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларни ҳар томонлама етук, миллий ғоя ва миллий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласига эътибор қаратилганлиги билан диққатни тортади. Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Дарсликда педагогика назарияси курсининг мақсад ва вазифалари, фаннинг умумий асослари, педагогика фанининг илмий тадқиқот методлари, тарбия ва

таълимнинг мақсади, таълим-тарбия жараёнида миллий меросдан фойдаланиш йўллари, шакллари ва воситалари, таълим олувчиларнинг билимларни эгаллаш йўналишлари, коррекцион педагогика ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Муаллифлар "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида таълим муассасаларида замонавий педагогик технологияларни олиб кириш ва улардан амалиётда кенг фойдаланишга эришиш, "таълим - фан - амалиёт" интеграциясининг таълим тизимининг самардорлик даражасига алоҳида эътибор қаратган.

Шу маънода бўлажак ўқитувчилар зиммасига қўйиладиган янги педагогик тафаккурни шакллантириш вазифаси замонавий педагогика фанининг мазмун-моҳиятини замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар ташкил этади. Маълумки, ўқитувчилик касбига тайёрлаш тизимида педагогика фани алоҳида аҳамият касб этади ва ихтисосликка йўналтирувчи фан ҳисобланади. Муаллифлар шу жиҳатдан келиб чиқиб, дарсликда ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, маросими ва аъёнлари ҳамда халқ педагогикасининг ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, шахсни камол топтириш, эътиқод ва маслақларини шакллантириш, маънавий - ахлоқий жиҳатдан юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишган.

Муаллифлар дарсликнинг

"Кадрлар тайёрлаш миллий модели" бўлимида кадрлар тайёрлаш миллий моделининг мазмун-моҳияти, демократик жамиятда педагогик касбининг роли, ўқувчи шахсига қўйилган замонавий талаблар тўғрисида фикр юритади ва шу бўлим юзасидан савол ва топшириқлар, тест саволларини тақдим этади.

Тарбия назарияси бўлимида эса тарбия жараёнининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, тарбия жараёни тизими ва унинг қонуниятлари, таъминоти ва таснифи, тарбия жараёнида шахсни шакллантириш ва унда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига эътибор қаратишни назарда тутади. Шу бўлим юзасидан таянч атама ва иборалар, уларнинг маънолари, тест саволлари, топшириқлар ўрин олган.

Дидактика бўлимида таълимнинг мақсад ва вазифалари, унинг асосий тушунчалари, узлуксиз таълим тизими, ҳозирги давр педагогикасида таълим параметрлари, таянч тушунчаларнинг изоҳлари ўз ифодасини топган.

Коррекцион педагогика бўлимида эса дефектология фанининг мазмун-моҳияти, сенсор нуқсонли болалар ва уларни бартараф этиш йўллари, ақлий, эшитиш ва кўришда нуқсонли болаларнинг таълим-тарбияси, уларнинг олдини олиш йўллари ва воситалари тўғрисида янги таълим тушунча берилган.

Муаллифлар дарсликни тайёрлашга Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ёндашишган. Дарсликнинг афзаллиги томони шундаки, ҳар бир мавзунинг ўрганишда махсус топшириқлар, асосий тушунчаларнинг изоҳлари, тест саволлари мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқиб тайёрланган.

Умуман олганда, муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган мазкур дарслик мутахассислар, изланувчи - тадқиқотчилар ва талабалар томонидан илиқ қўпиб олинди.

**Неъмат ҚУШВАҚТОВ,**  
Умумий педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР - ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ ТАЯНЧИ

**Мамлакатимизнинг Олий қонуни ҳисобланадиган Конституциямиз мустақиллигининг бевосита ҳосиласи тарзида вужудга келди ва замон руҳига хос ва мос, энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг олий мақсади бўлган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни ўзида тўлиқ акс эттирди. Конституция "...янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам... суверен давлатимизнинг қонунийлик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди".**

Маълумки, ҳар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаши, ўз ақли-идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг эркин ифодаси ҳамда фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади. Албатта, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафқуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши учун шарт-шароит бўлади. Акс ҳолда, яъни эркин фикрлаш чекланган жойда кўпинча инсон ўз фикрларини, хоҳиш-истакларини ошқора баён қилиш имко-

ниятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда одатда ягона мафқура ҳукмрон бўлиб қолади. Шу мақсадда Конституциямизнинг 12-моддасида шундай қоида мустаҳкамланган: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади".

Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас". Бу қоида орқали мамлакатимизда битта мафқуранинг, битта дунёқарашнинг яқка ҳокимлиги қатъиян таъқиқланди.

Конституциямизнинг айнан шу моддаси жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафқуралари бўлиши мумкинлигини қонуний йўл билан мустаҳкамлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтказилган тўртта сиёсий партия мавжуд. Булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Адолат социал демократик партияси, Миллий тикланиш партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон леберал демократик партияларидир.

Партияларнинг вужудга келиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг қўриниши қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, миллоддан аввалги V асрда Афина (Юнонистон)да аристократик ва демократик гуруҳлар (булар ўзига хос дастлабки

партиялар эди) ўртасида сиёсий қураш бошланган эди. Сиёсий партиялар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Сиёсий партиялар замонавий маънода дастлаб Европадаги (буржуа) инқилоблар муносабати билан юзага келди. Уша инқилоблар чоғида халқ вакиллари тузилди, яъни сайланадиган вакиллар воситасида амалга ошириладиган халқ ҳокимияти тизими барпо қилинди. Шунинг назарда тутиш керакки, қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам партиялар фақат давлатни бошқариш режими (тартиби) маълум даражада демократия аломатларига эга бўлган жойлардагина ташкил топган.

Шу маънода, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча моддалари партиялар фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партияларни ташкил этиш ҳуқуқи Конституциямизнинг 34-моддасида мустаҳкамланган. Шунингдек, Конституциявий тузумга қарши қартилган сиёсий партиялар тузилишининг таъқиқ-

ланиши 57-моддада, давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши 58-моддада, сиёсий партияларга аъзо бўлиш ихтиёрийлиги 59-моддада ҳамда 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини ташкил этишда иштирок этадилар", деб белгилаб қўйилган.

Шулар билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи қўнғилли бирлашмасидир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, сиёсий партиялар ўз фаолиятларини амалга оширишда партия аъзоларининг сиёсий хоҳиш ва иродаларини ифодалайдилар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок этадилар. Мамлакатда сиёсий партияларнинг икки ва ундан ортиқ бўлиши турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий қараш ҳамда манфаатларини ифода этади. Бу эса демократик давлатнинг белгиларидан бири бўлган сиёсий ва мафқуравий хилма-хиллик (плюрализм)ни таъминлайди.

**Шаҳзод ТУРСУНОВ,**  
Тошкент Давлат юридик  
институтини юриспруденция  
йўналиши талабаси  
**Шерали АЛИЕВ**  
Жиззах ДПИ Миллий ғоя, маънавият  
асослари ва ҳуқуқ таълими  
йўналиши талабаси

# Мақсад – таълим сифатини ошириш

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмагани, машғулотлар асосан анъанавий мактаб таълими услубларига таянган ҳолда ўтказилаётгани танқид қилинганди. Бугунги мулоқотимиз мавзуси Жиззах Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг ҳукуматимизнинг таълим соҳасида олдимишга қўйган ана шу долзарб муаммоларни ҳал этишдаги амалий ишлари ҳақида бўлади.



**А. ПАРДАЕВ,**  
Институтнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори

тут профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуалар ва институт АРМ да ва кафедраларнинг базасида мавжуд бўлган дарслик, ўқув қўлланмаларнинг электрон вариантлари ҳамда 100 дан ортиқ кўргазмалар қуроллар ва альбомлар тақдим қилинди. Кафедра филиаллари томонидан бириктирилган АЛ ва КХКлар битирувчи курс ўқувчиларини кейинги таълимга йўналтириш мақсадида коллежларда “Абитуриент штаби” фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 11-апрелдаги “Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтирилган билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 149-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 12-14 апрел кунлари Жиззах вилоятидаги институтга бириктирилган 42 та касб-хунар коллежларининг ижтимоий-иқтисодий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилари иштирокида “Иқтисодий билим асослари” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ташкил этишга йўналтирилган семинар-тренинглари ўтказилди. Институт томонидан вилоятнинг 5 та туманидаги жами 16 та касб-хунар коллежларининг раҳбар кадрлар билан таъминланганлиги ва уларнинг фаолияти танқидий ўрганилиб чиқилди ва таҳлил натижалари бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. 2012 йилнинг 21-24 август кунлари ўтказилган ўқитувчиларнинг август кенгашларида 23 нафар институт профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 2012 йил 10 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор асосида 2012

йил 13 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 328-рақамли буйруғи ва институт ректорининг 240-сонли ички буйруғи чиқарилди. Ушбу буйруқ ижроси бўйича институтда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 18-июлдаги (Доимий фаолият юри тувчи семинарлар ўтказишга амалий ёрдам бериш тўғрисида) 303-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт қошидаги “Сайилжойи” академик лицейида умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида доимий фаолият юри тувчи семинар дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда билим соҳалари бўйича доимий фаолият юри тувчи семинарларда иштирок этадиган академик лицейларнинг тегишли ўқитувчилари рўйхати шакллантирилди ва тасдиқланди. 2012 йилнинг 13 декабр кунинда институт қошидаги 2-сонли академик лицейида, 14 декабр кунини “Сайилжойи” академик лицейида семинар – тренинг ўтказилди. Семинарлар дастурига мурофиз академик лицейларида семинарларни юқори савияда ўтказиш учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилди ва семинар машғулотлари юқори савияда ташкил этилди. Семинар тренингда институт ўқувчилари бўйича проректори проф.Н.Алимов, бўлим бошлиғи Т.Хамрақулов, Умумий математика кафедраси мудири, доц.О.Абдуллаев, доц.У.Пирназаров, доц.Х.Абдуллаев, катта ўқитувчи Х.Тангировлар иштирок этдилар.

Институтга бириктирилган академик лицейларнинг таълим – тарбия ишлари, педагогларнинг малака даражаси танқидий таҳлил қилиниб, бир ой муддатда таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича академик лицейлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди. Айниқса директорлар масъулиятини янада ошириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ушбу режа асосида амалий ишлар амалга оширилиб борилмоқда.



## ҲАМ Китоб, ҲАМ Компьютер



Ўзбекистонда ёшлар сиёсати

## Келажак ёшларимиз қўлида

“Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”.

И. А. КАРИМОВ

Мана, жонажон юртимиз Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганига ҳам 21 йилдан ошди. Шу йиллар давомида давлатимизда жуда катта ва кенг қўламдаги ишлар олиб борилди. Инсонлар ҳаёти ва дунёқараши аввалги даврларга нисбатан тубдан ўзгарди. Яхши яшашга бўлган интилиш кучайди, ва айниқса, биз учун азиз ва жонажон Ватан бўлмиш Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътибор кучайди. Бизларга яратиб берилган шароитни ҳозирда анча мунча давлатларда учратиш қийин ва мушкулдир. Бу ютуқларни қўлга киритиш ҳам осон кечмади. Бунга эришиш учун жуда катта куч сарфланди. Шу сабабдан ҳам бу ютуқлардан қувонишимиз, шароитлардан эса унумли фойдаланишимиз лозим. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, қайси мамлакат жуда тез ривожланиб, дунё микёсида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан маълум бир ўрнини топа олган. Албатта, кучли, ақлли, жонқуяр, шунингдек, ватанни жондан ортиқ кўрувчи ёшларга эга бўлган давлатларгина шундай натижани қайд этиши мумкин. Бунга бир мисол тарихида Жанубий Кореяни олишимиз мумкин. Бу давлат мустақилликка эришгандан сўнг жуда катта қийинчиликларни бошдан кеч

чирди. Қийинчиликларнинг асосий сабаби эса Жанубий Кореянинг ҳеч қандай табиий бойлиги йўқлиги, борлари ҳам давлат иқтисодиётини тиклашга камлик қилар эди. Шунда янги қарор қабул қилинди: халқни бирлаштириб, ёшларнинг ўқишини кучайтириб, етук ва баркамол кадр тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Қарабсизки, жаҳон тажрибасини ўрганиб ўз юртида амалиётга тадбиқ қилган ёшлар ҳозирда биз кўриб турган ривожланган Жанубий Корея вужудга келишида муҳим ўрин эгаллади. Лекин мен бу билан бизнинг юртимиз бошқа мамлакатлардан кам демокчи эмасман. Чунки ҳозирги ўзбек ёшлари ҳам жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Фақат шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ватан менга нима берди эмас, мен Ватанга нима бердим, деб ҳаракат қилмайлик. Бефарқлик ва лоқайдлик балосидан қутилилик. Аввало тинчликка ва бизга яратиб берилган шароитларга шукроналик келтирган ҳолда обод ватан тараққиёти учун жон куйдирайлик.

Санжар НОРМАТОВ,  
Миллий гоя,  
маънавият асослари  
ва ҳуқуқ таълими  
йўналиши талабаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш юзасидан олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тўғрисида”ги 109-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида касб-хунар коллежларида таълим самарадорлиги ва кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, таълим – тарбия, ўқув-услубий жараёнлари, адабиётлар, ахборот таъминоти сифатини ошириш, педагог кадрлар билан таъминлашни ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш ишларида олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, касб-хунар коллежлари кафедраларга бириктирилди ва ушбу тақсимот асосида касб-хунар коллежларида институт кафедраси филиаллари очилиши тўғрисидаги Низом асосида белгиланган тартибда кафедра филиалларини очдик. Институт ректорининг 2011 йил 18 мартдаги буйруғига асосан институтга 30 та коллеж 2 та АЛ бириктирилган. Кейинчалик ушбу тақсимотга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, институтга 42 та КХК, 2 та АЛ бириктирилди. Институт ректорининг буйруғи чиқарилди ва барча коллеж ва АЛларда кафедра филиаллари очилди ҳамда уларга институтнинг малакали профессор-ўқитувчилари филиал мудири лавозимларига тайинланди.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув режалари мавжуд бўлган барча умумтаълим фанларидан ўқув-услубий

бий мажмуалар яратиб буйича муаллифлар гуруҳлари тuzилди. Ушбу гуруҳлар томонидан академик лицейлар учун 45 та фандан, коллежлар учун 38 та фандан ўқув-услубий мажмуалар тайёрланди ва таълим муассасаларига тақдим қилинди. Биз шу ўринда Тасвирий санъат ва касбий таълим факультети профессор-ўқитувчилари томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун чиқарилган ўқув қўлланмалари ва дарсликларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин:

- Технология ва дизайн, материалшунослик, ёғочга ишлов бериш;**
  - Технология ва дизайн, ёғочларга ишлов бериш дастгоҳлари;**
  - Технология ва дизайн, материалшунослик, металга ишлов бериш;**
  - Технология ва дизайн, чилангарлик ва моделлаштириш ишлари, металга ишлов бериш;**
  - Толалардан тўқимачилик маҳсулотларини олиш технологияси;**
  - Сервис бўйича тикув трикотаж корхоналари жиҳозлари;**
  - Сервис бўйича кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш;**
  - Сервис бўйича кенг ассортиментдаги кийимларни бадий бе-заш;**
  - Сервис бўйича пазандачилик асослари;**
  - Сервис бўйича қандолатчилик;**
  - Сервис бўйича пазандачиликда ишлатиладиган жиҳозлар;**
  - Дехқончилик асослари;**
  - Қишлоқ хўжалик машиналари;**
  - Ўсимликшунослик;**
  - Чорвачилик ва паррандачилик асослари.**
- Коллежлардаги кафедра филиалларига инсти-

## ЯНВАР ОЙИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

### 1 ЯНВАР

- Янги йил байрами  
- Халқаро тинчлик куни  
- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қочқинлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссарлиги ташкил этилди (1951)

### 4 ЯНВАР

- Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов қасамёд қабул қилган кун (1992)  
- "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" – "Ўзбекистон маданияти" ҳафтаномаси чоп этила бошлади (1956)

- "Ион Сино" халқаро жамғармаси ташкил этилди (1999)  
- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1965 йил 21 декабрда қабул қилинган Ирқчиликнинг ҳамма кўринишларига қарши жалқаро конвенция кучга кирган кун (1969)

### 10 ЯНВАР

- Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Ойбек (Мусо Тошмухаммад ўғли) туғилган кун (1905-1968)  
- Ўзбекистон Ички ишлар қўшинлари ташкил топди (1992)

### 12 ЯНВАР

- Бухоро вилояти таркибида Қоровулбозор тумани ташкил этилди (1993)  
- Тошкент шаҳрида "Ватанга қасамёд" монументи очилди (2010)

### 13 ЯНВАР

- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита ташкил қилинди (1999)

### 14 ЯНВАР

- Ватан ҳимоячилари куни (1992)

### 15 ЯНВАР

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга МДУ фахрий профессори унвони берилди (2001)

### 19 ЯНВАР

- Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуд топган кун (1875-1919)

### 21 ЯНВАР

- Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ташкил этилди (1992)  
- Биринчи Ўзбек космонавти Солижон Шарипов Американинг "Шатл Индевор" космик кемасида фазога парвоз қилди (1998)

### 23 ЯНВАР

- Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилди (1997)  
- "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди (2004)

### 24 ЯНВАР

- Ўзбекистон Республикаси Байналминал маданият маркази ташкил топди (1992)

### 25 ЯНВАР

- "Ўқитувчи" наъриёти ташкил топди (1938)

### 26 ЯНВАР

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломи топширилди (1998)

- Ўзбекистон автомобил йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концерни "Ўзавтйўл" ташкил этилди (1993)  
- Божона ҳамкорлиги кенгаши (БХК) ташкил этилди (1953)

### 27 ЯНВАР

- Олий мажлис қонунчилик палатасининг биринчи йиғилиши бўлди (2005)  
- Халқаро божона куни (1963)

### 28 ЯНВАР

- Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлиси бўлди (2005)  
- Ўзбекистон Миллий авиокомпанияси – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ташкил этилди (1992)

- Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди (2000)

### 30 ЯНВАР

- Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислам Каримов туғилган кун (1938)

### 31 ЯНВАР

- Нукус-Султонувистос-Мискин-Учқудук темирйўл магистрали очилди (2001)

## Меърият гулшани



Аскар  
Бўжрат

Не кам кўрдим, бу дунёда шоир бўлиб,  
Умид билан узган гулми қолди сўлиб,  
Энди шеърлар ёзолмайман тўлиб-тўлиб,  
Мен ҳам аскар бўлиб қолсам қани эди.

Шеърларим ҳам бари тўзсиз – икки татили,  
Бор шеърларим – севишимга ёзган хатили,  
Ўқиб туриб ташлаб кетди мухаббатили,  
Мен ҳам аскар бўлиб қолсам қани эди.

Мен сезарман, қулгимга айтар юрак,  
Шоирликни бир кун ташлаб кетсам керак,  
Кўриб ҳайрон бўлиб қолсам ўша малак  
Мен ҳам аскар бўлиб қолсам қани эди.

Юрт меҳнати – захирага турмоқ учун,  
Йиғилишни қадри биланда турмоқ учун,  
Севаганига бир мактабни кўймоқ учун,  
Мен ҳам аскар бўлиб қолсам қани эди.

Кезиб тоғу тошларни,  
Асраймиз жондошларни.  
Қадрлаб сафдошларни  
Бу Ватан озод учун!

Мевазор боғимиз бор,  
Ўрвиқор тоғимиз бор,  
Шу ва тугройимиз бор,  
Шу бахт, ҳар бир зот учун!

Ўғил ўстирган Она,  
Шодлиниб, дейди ана:

## Қорда қолган мухаббат

Оллардан мени қорлаб қолди эвоҳ,  
Диланамга армон бўлиб тўлган хатим.  
Агат она мўрагайди сирли нигоҳ,  
Пахтазорда қолиб кетган мухаббатим.

Ўйрабоя, адабни ма қилар эдинг,  
У қиз мени севар эди билар эдинг.  
Билиб мени сиз соғларни билар эдинг,  
Пахтазорда қолиб кетган мухаббатим.

Кўкда қатор турна қайтар қурей – қурей,  
Мени бўйим оғир қизга қарай – қарай.  
Эх турналар севиб қолсам нима қилай,  
Пахтазорда қолиб кетган мухаббатим.

Ўлонтарчоғ ўсал эдинг хатто қўёи,  
Шийонлардан тўтир ўрлар кўкка талои.  
Чой келтирган кўлларингдан эй қоракўи,  
Пахтазорда қолиб кетган мухаббатим.

"Дўстлик" йўли тақдиримдай гоҳи кенг – тор,  
Икки кўнги икки йўлдай янги йил зор.  
Бирга бирга юрмоқ учун қилганим ор,  
Пахтазорда қолиб кетган мухаббатим.

Вақосиз деб ўйламагин Шербекни сан,  
Қайда бўлмай юрагини қаридасан.  
Сен ҳам ҳам икки агат наридасан,  
Пахтазорда қолиб кетган мухаббатим.

## Келажак авлод учун

- Менинг ўғлим, мардона  
Ҳар одамизод учун...

Шу сўзни дилга битиб,  
Шоир биллиб муносиб,  
Борайлик олға босиб,  
Ҳам дўст-у ҳам ёр учун.

Юрт тупроғин қучайлик,  
Самосида учайлик,

## Қизгина

Қизинг ўт каби ёндирар,  
Ишқинг гоҳ ўзимдан тондирар.  
Боққанда эҳ қачон қондирар,  
Докадек шу оппоқ юзгина,  
Мен сени севаман қизгина.

Биламан мен эмас тилагинг,  
Лек сенинг кўп менга керагинг.  
Ҳатто кун кўрмаган биласинг,  
Бир мenden қочар бе тизгина,  
Мен сени севаман қизгина.

Эҳ оппоқ юзингни холидан,  
Адоман лабларинг болидан.  
Оқшомлаб фақрингн холидан,  
Кўкда ой чин гувоҳ биргина,  
Мен сени севаман қизгина.

Кўзларинг кўзларим сўйгани,  
Кипригинг – кўксимни ўйгани.  
Шербекнинг кўнглига тўйгани,  
Ўзингни айтар бир сўзгина,  
Мен сени севаман қизгина.

Шербек КАРИМБЕК,  
Ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси

Ва шундай онт ичайлик  
Бобо-ю аждод учун:

Ҳизмат бурчин оқлаймиз,  
Адолатни ёқлаймиз,  
Юртни омон сақлаймиз,  
Келажак авлод учун.

Абдуманнон ҲАСАНОВ  
Ўзбек тили  
ва адабиёти  
йўналиши талабаси



## Талабаларга маслаҳат

Мана ўлкамизда қиш ҳукмрон. Бу мавсумда иссиқ кийим чин маънода жоннинг хузур. Кардиологларнинг таъкидлашича, совуқда юрак хасталиклари 5 фоизга кўпаяр экан.

### Бош кийимни кийиб юринг!

"Қалпоқ кийинг, йўқса, менингитга чалинаси!" Катталаримизнинг бу хавотири тўғрими? Аслида менингитга бош кийимнинг дахли йўқ. Бу касаллик инфекция вирус орқали тарқалади. Бироқ бу совуқ ҳавода бош яланг юравериш мумкин дегани эмас. Бошнинг совуқ қотиши эшитиш қобилияти йўқолишига олиб келади, юзинг асаб тизими ишдан чиқаради. Бир марта совуқ қотиб касаллик орттирган бошни беш йил даволашгани ҳақида фактлар бор. Бош кийимда ўнғайсиз кўринишдан кўрқманг! Зеро, кўркамлик саломатликда. Демак, барча замонлар учун ҳам бирдай замонавий мода – соғлик!

### Шарф тақинг!

Шарф иккита муҳим функцияни бажаради. Биринчидан, совуққа анча таъсирчан томоқни шамоллашдан асрайди. Иккинчидан, шарф бўйинни иссиқ тутаяди. Шарфнинг қандай матодан тайёрлангани ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Асосийси, шарф қулай бўлиши керак. Шарфнинг чиройлилиги, расм бўлган материалдан тўқилиши каби хислатлар иккинчи даражалидир. Меъёрида иссиқ кийининг! Ҳеч бир кийим ўзича иситмайди. Кийим фақатгина тана ҳароратини сақлаб туради. Кийим қанча кўп (қават-қават) бўлса, шунчалик шамол кириши камайи, иссиқлик сақланади. Агар ҳаддидан ошириб

юборсангиз, албатта, терлаб кетасиз. Бу эса, шубҳасиз, совуқ қотишга олиб келади. Демак, ҳар ишда бўлгани каби иссиқ кийинишга ҳам меъёр муҳим.

### Оёқни иссиқ тутинг!

Оёқлар совуққа жуда таъсирчан. Оёқ кийимнинг пошнаси қанчалик баланд бўлса, оёқ шунчалик иссиқлигини йўқотади. Баланд пошна оёқ кийим олишдан сақланг. Ортопедлар бундай оёқ кийимларни кийишни тавсия қилмайдилар. Оёқ кийим танлашда ҳам унинг сизга лойиклиги, тагчарми қалинлиги, ичидаги иссиқ қатлам табиий юнгдан эканлигига аҳамият беринг.

Маълумотларни институт  
Ибн Сино саломатлик  
маркази ҳамшираси  
М. Ибрагимова тайёрлади

## Зиё чашмаси

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил  
этилмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят  
нўқтаи назаридан фарқлиниши  
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2006 йил  
26 декабрда 06-017 рақами билан  
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган  
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00  
Навбатчи: К. Нуъмонова

Манзил:

Ш. Рашидов  
шоҳ кўчаси,  
Абдулла Қодирий  
номидаги Жиззах  
Давлат педагогика  
институтини.

«Jizzax-Print»

bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili:  
Jizzax shahri, 130100.  
Sayiljoyi ko'chasi,  
4-uy.

Офсет усулида 5500 нусхада босилди.  
Буюртма № Shakti-A-3.